

Биринчи иш кунин

ХАЙРЛИ ҚАДАМЛАР

Кўпни кўрган кексаларимиз кириб келаётган Янги йилда дуога қўл очар эканлар, доимо «Йиллимизнинг қадами кўтлуг келсин» дейишади. Албатта, шу билан бирга йилнинг самарали яқунланиши унинг қандай бошлашига боғлиқлигини ҳам алоҳида уқтиришади. Биз Янги йилдан меҳнатда муваффақият кутиб, ана шу эзгу ният йўлида унинг илк қадамини ўзгача шукӯҳ билан бошлаган меҳнат жамоаларида бўлиб, уларнинг жўшқин меҳнат кайфиятларини қозоғга туширдик.

●Мухтор ЙЎЛДОШЕВ, 3-автокорхона раҳбари:

— Утган йилни яхши яқунладик. Бундан руҳланган ишчи-хизматчиларимиз Янги йилимизни ундан ҳам унумлироқ, самаралироқ меҳнат қилиш, йўловчиларга намунали хизмат кўрсатиш борасида янги-янги ютуқларга эришишдек эзгу мақсад билан бошладилар.

Жамоамизда 970 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Хайдовчи ва чилангарларимиз тонгги ширин уйқуларидан кечиб шаҳримиз аҳолиси ва меҳмонларига хизмат кўрсатмоқда. Ҳар куни соат эрталабки 5.10 дан 23.30 гача хайдовчиларимиз йўналишларда бўлишади. Пойтахтимиз аҳолисига 23 та йўналиш бўйича хизмат кўрсатамиз. Байрам, дам олиш кунлари ҳам йўловчиларимиз хизматига шаймиз.

Кеча — янги йилнинг биринчи иш кунинда 155 та автобус 23 йўналиш бўйлаб хизмат кўрсатди. Айниқса, Қамбарали Хайдаров, Абдураул Абдуворисов /65-йўналиш/, Исроил Тулганов /85-йўналиш/, Латифжон Абдуғафоров /123-йўналиш/, Фарходжон Саматов /109-йўналиш/ сингари хайдовчиларимиз ўз ишларини ҳар кунгидек яхши кайфият ва баракка билан бошладилар. Йўналишларимиз бўйлаб 17 та янги — Германиянинг «Мерседес-Бенц» автобуслари хизмат кўрсатаётган бўлса, кеча бу кулай транспорт воситасининг тури автокорхонамизда яна 2 тага қўлайди. Янги йилда яхши ниятларимиз талайгина. Шаҳримиз бўйлаб 3 та янги йўналиш очиб, аҳолига янада кулайлик яратмоқчимиз.

Ҳар тонгда хайдовчиларимизга оқ йўл тилаб йўлга кузатар эканмиз, бу тилагимиз биз хизмат кўрсатаётган ҳар бир йўловчига ҳам ёр бўлишини истаймиз. Кўтлуг ният билан бошлаган йилимиз барчага бирдек зафар келтирсин, йўлимиз доимо беҳатар, бошлаган яхши ишимиз бараваж бўлсин.

●Нурилла УМАРОВ, «Сифат» ҳиссадорлик жамиятига қарашли 36-қурилиш бошқармаси гит терувчилар бригадаси бошлиғи:

— Қурилиш бошқармаси бунёдкорлари зиммасига юкланган ҳар бир ишни кўнгилдагидек адо этар экан, ана шу бунёдкорлик ишларида оами-қўпми менинг ҳам ҳиссам борлигидан гурурланиб кетаман. Қурувчиларимиз утган Инсон манфаатлари йилида аҳоли учун қўллаб турар жой бинолари қурилишида, sanoat корхоналари учун бинолар, «Миробод» бозори ҳамда Форобий насос станциясини фойдаланишга топширишда жонбозлик кўрсатишди. Пойтахтимизнинг энг ҳашаматли ва муҳташам — Олий Мажлис биноси куббасини тиклашда фойдалик кўрсатишди.

Бригадада 15 киши меҳнат қилади. Уларнинг барчаси ўз ишининг усталари. Айниқса, Раъно Мирзалиева ҳамда Ринат Кончуринларга етдигани йўқ. Биз Янги йил арафасида пойтахтимизнинг Абдулла Тўқай кўчасида республика уй-жой қурилиш банкни қуришда иштирок этдик. Бу ишларни бетончи ҳамда тикловчилар бригадаси аъзолари билан ҳамкорликда қисқа муддатларда амалга оширдик.


Янги йилнинг биринчи куниданок бригадамиз аъзолари кўтаринки кайфият билан иш бошладилар. Силла йилида қурилажак уйлариимизга пойдевор қўяр эканмиз, уни биринчи кунданок тез ва сифатли адо этишга бел боғладик. Мақсадимиз бирор кун ҳам бекор туриб қолмаслик.

●Хусниддин МУРОДХЎҲАЕВ, «Лола атир-упа» ҳиссадорлик жамияти бошқарувиининг раиси:

— Кеча корхонамизга кириб келган ҳар бир ишчи-хизматчининг хечрасида илқик сездик. Бу, албатта яхши кайфият аломати, ўз ишидан қониқиш, мамнунилик ва меҳнатга қанқоқлик аломатидир. Утган йилда бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб, маҳсулот турларини имкон қадар қўлайтиришга эришидик, ишлаб чиқариш ҳажми бултурги йилга нисбатан 106 фоизга ортиди.

Янги яратилган маҳсулот турлари — «Леводент» ва «Биодент» тиш ювиш пасталари, «Лаври» креми ҳамда «Сохибқор» ва «Шаҳризода» атирларини харидорларимиз яхши кутиб олишди. Янги йилдан эса умидимиз катта. Лекин бу умидни ўз меҳнатлари билан, изланишларимиз билан юзага чиқариш мумкинлигини жамоамизнинг 400 га яқин ишчи-хизматчиси тўғри англашади. Шунинг учун ҳам биринчи кундан иш қанқалик самарали бўлса йил охиригача қадимимиз кўтлуг бўлиб қолади. Бу йил қўллаб хорижий давлатлар билан ҳамкорлик қилиш, халқимиз талабига жавоб берадиган маҳсулотлар чиқариш сингари эзгу ниятлар билан ишни бошладик. Зеро, биринчи унумли меҳнатимиз эртанги самара эканлигини ҳис этиб турибмиз.

Шарифа БАҲРОМОВА ёзиб олди.



УЛКАН БУНЁДКОРЛИК ДАВОМ ЭТАДИ

«Тошкентжойинвесткурилиш» корпорацияси раисининг ўринбосари Анвар ХОЛИҚОВ билан суҳбат

Пойтахтимизда Инсон манфаатлари йилида кенг қўллаб бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Шаҳримизда қад кўтарган, унинг кўригига фойз бағишлаб, кишиларимиз кўзини қувнатаётган муҳташам бинолару, янги қўринишга эга бўлган шарқона бозорлар, маданий-маиший ҳамда турар жой бинолари қурилишида саратоннинг иссиғию қаҳратоннинг совуғини писанд қилмай жасорат кўрсатиб тер тўккан тошкентлик қўли гул қурувчиларнинг меҳнатлари бекиёсдир.

— Пойтахтимизда 1997 йилда бунёд этилган ҳар бир улкан иншоотда корпорация қурувчиларининг меҳнатлари муҳтасар десак янглишмасак керак, албатта.

— Биз давлатимиз пойтахтини жаҳоннинг энг гўзал шаҳарларидан бирига айлантиришга астойдил ҳаракат қилганмиз. Шу эзгу мақсадда бугунги кунда 23 мингга яқин қурувчиларимиз тер тўкимоқда.

Биз қурилишга зарур бўлган ашёларни ўзимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Шунингдек, замонавий техникаси улкан бунёдкорлик ишларини олиб бориш мушкул эканлигини чуқур ҳис этиб, янги машина-ускуналар сотиб олдик ва ундан ишлаб чиқаришда кенг фойдаланишга эришяпмиз.

Корпорациямиз таркибидаги 40 тага яқин ҳиссадорлик жамиятлари, 2 та лойиҳа институти ҳамда бир нечта ташкилотларда ишлар янғича усулда ташкил этилган.

Рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, бош пудрат бўйича 14 миллиард сўмлик, ўз кучларимиз билан 13,5 миллиард сўмликка яқин иш бажарилди. Ишлаб чиқариш ҳажми утган йилга нисбатан 104 фоизга ўсди. Айниқса, қўллаб янги турар жой биноларининг фойдаланишга топширилганлигини айтиб ўтмоқ жоиз. 1997 йилда «Ўзуйжойкам» ҳамда давлат буюртмасига кўра жами 269108 квадрат метрлик, яъни 3316 хонадонга мўлжалланган уйлар эгаларига топширилди. «Сергели — 5» ҳамда Қоратож маззеларида 2427 ўқувчига мўлжалланган 2 та мактаб,



Режалар

ҳокимлиги биноси, хайвонот боғи, «Наврўз» саҳна мажмуаси, Давлат мулк қўмитаси биноси, Форобий кўчасидаги дўкон ва гузар ҳамда бошқа қўллаб бинолар шаҳримиз кўригига кўрк қўшди.

— Қурилиш ҳам чет эллик ҳамкорлар билан ишлаш яхши самара бермоқдами?

— Бошқа соҳалар катори қурилишда ҳам жаҳон тажрибасидан ўрганиш, уни ўрнида ишлатиш, шу билан бирга чет эллик шериклар билан ишлашга эътибор кучайди. Корпорациямиз қошида чет эллик ишбилармонлар билан ҳамкорликда бир нечта қўшма корхона тузганмиз. Англия билан тузган «Қурилишсервис» қўшма корхонасида пардоз гишти ва черепица ишлаб чиқарилаётган бўлса, «Қурилиш техникаси» Ўзбекистон — Исроил қўшма корхонасида совуқ ва иссиқ сув ўлчагичлари, ўйма қулфлар, сантехника асбоб-ускуналари тайёрланади. Шунингдек, Чехия билан ташкил этилган «Авто», Греция билан «Сўғдиёна-Эл» қўшма корхоналарида ҳам қурилиш учун зарур бўлган материаллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

— Корпорациянинг 1998 йил режалари қандай?

— 1998 йил — Оила йили деб эълон қилинди. Биз ҳам оилаларга барча қўлайликларга эга бўлган уйлар, коттежлар қуриши-

га катта эътибор беряпмиз.

Президентимиз Ислоҳ Каримов Янги йил арафасида қурувчиларимиз бунёд этган республика Олий Мажлисининг муҳташам биносини кўздан кечириб меъмор, муҳандис ва бунёдкорларимиз меҳнатига юқори баҳо бердилар. Бундай эътибор, албатта қурувчиларимизни янада руҳлантириб юборди.

1998 йилда хорижий давлатлар билан ҳамкорликни янада кенг йўлга қўйиш ниятимиз ҳам бор. Туркия билан «Тошқур», Германия билан «ДД-Билдинг» қўшма корхоналарини очамиз. Кореянинг «ДЭУ» ҳамда Франциянинг «Буйг» фирмалари билан биргаликда шаҳримизнинг Навоий кўчасида меҳмонхона ва офислар қуриямиз. Янги йил режаларимиз каторида консерватория биносини қуриб битказиш, Эски шаҳар бозорини қайта таъмирлаш, Қоратож маззелсини қуриб битказиш, шаҳар марказида Адлия вазириликка қарашли биноларни замонавий усулда қайта қуриш, янги спорт иншоотларини, савдо марказларини бунёд этиш каби ниятларимиз бор.

Суҳбатдош Шарифа ИЛҲОВА.

СУРАТЛАРДА: гўзал пойтахтимизда бунёд этилган замонавий бинолар шаҳримиз кўригига кўрк қўшиб турибди.

Шаҳримиз иқтисодиётини ривожлантириш ва аҳоли талаб-эҳтиёжларини қондиришда тадбиркорлар тобора катта ўрни тўтмоқдалар. Тошкент шаҳар товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси Анвар Йўлдошев билан суҳбатимиз ҳам шаҳримизда тадбиркорлар фаолиятини ривожлантириш хусусида бўлди.

— Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ташкил этилганидан кейин ишбилармонлиқни ривожлантиришда қандай ўзгаришлар рўй берди?

— Тошкент шаҳар товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ва унинг ташкилий тузилмалари фаолият бошлаганига нисбатан қисқа — 1,5 йилдан ортиқ вақт ўтган бўлса-да, ҳозир унинг тарихига 14 миңдан ортиқ кичик, урта ва хусусий тадбиркорлик субъектлари кирган. Бу қўнунга мувофиқ рўйхатдан ўтиши лозим бўлган шахсларнинг 88,8 фоизини ташкил этади. Шаҳар палатаси қошида тадбиркорларни тармоқлар бўйича бирлаштирувчи гильдиялар тузилган. Шаҳар палатасининг фаолиятини тақомиллаштириш мақсадида ягона компьютер тармоғи ташкил қилинган бўлиб, у шаҳар ва туман

палаталари маълумотлар банкни компьютер алоқаси билан таъминлайди. Маълумотлар банкидан асосий фаолият турлари, фойдаланиладиган хом ашё ва материаллар, ишлаб чиқариш майдонлари ва асбоб-анжомлар, хуллас палата аъзоси бўлиш фирмалар тўғрисида батафсил ахборотлар ўрин олган.

Шаҳар тадбиркорлар палатасида ҳар ҳафтада 2 марта палата аъзолари учун юқори малакали хуқуқшунос бепул маслаҳатлар беради, шунингдек, «Юридик маслаҳат» фирмаси ҳам фаолият кўрсатмоқда.

— Палата аъзолари томонидан чиқарилаётган маҳсулот ва кўрсатилаётган хизматларини ўрганиш ва уларни тарғиб қилиш, ўзаро манфаатли ишлаб чиқариш алоқаларини ривожлантириш мақсадида ҳар йили Тошкент савдо-саноат ярмаркалари ўтказилмоқда. Унинг натижаларининг салмоси йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Чўнчиқ, 1996 йил декабрида ўтказилган 2-Тошкент савдо-саноат ярмаркасида пойтахтда фаолият кўрсатаётган 246 корхона иштирок этди. Ярмаркага 60 миңдан ортиқ кенг доирадаги тадбиркор ташриф буюрди, улар орасида

«Қурувчи» мавзесида 160 ўринли болалар боғчаси бунёд этилди. Шунингдек, Қизил Ярим Ой жамияти учун ўқув маркази биноси ҳам қуриб битказилди. Шаҳримиз кўчаларини ободонлаштиришда — янги йўллар қурилишида қу-

рувчиларимиз фаол иштирок эттишти.

Утган йили «Юнубод» ёниқ теннис мажмуасини жуда қисқа фурсатда қуриб битказишда қурувчиларимиз алоҳида жонбозлик кўрсатишди. Олий Мажлис биноси, пойтахт

Тадбиркорлик

ИШ БИЛГАНГА — КЕНГ ЙЎЛ

Утган муддат ичида шаҳар ва туман палаталари томонидан давлат солиқ бошқармалари, молиявий тузилмалар, статистика идоралари билан ҳамкорликда жойларда солиққа тортиш, шартнома ва келишувлар имзолаш амалиёти, бизнес-режалар тузиш, банк кредитлари масалалари бўйича 100 дан ортиқ семинарлар ва давра суҳбатлари ўтказилди.

— Шаҳар тадбиркорлар палатаси томонидан ташкил этилиб, икки марта бўлиб ўтган савдо ярмаркаларининг натижалари қандай бўлди?

жачоннинг 23 мамлакатидан келган корхона ва фирмалар вакиллари, тадбиркорлар бор эди. Ярмарка фаолияти давомида 328 та ҳамкорлик тўғрисида келишувлар имзоланди, шаҳар корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга 1300 дан ортиқ буюртмалар олинди. Тузилган битимларнинг умумий қиймати 1 миллиард сўмликдан ошиб кетди. 1998 йилнинг апрель ойида 3-савдо-саноат ярмаркасини ўтказиш режалаштирилмоқда.

— Тадбиркорларимизнинг халқаро анжун-

Билмиш ташналик, ҳунар эғаллашга интилиш бизнинг ҳалқимизга хос, доимо устувор келган. Ахир Курбоний Карининг ноил бўлган биринчи сура-сининг биринчи сўзидек «Оллоҳ «Ибро» — «Уки!» деб буюрган. Хадиси шарифларда «Бешикдан қаердаки илм чироғи милл этиб ёнган бўлса, халқимизнинг эсл фарзандлари уша ерга интилишган, бу чироқнинг машъал бўлиб нур сочишига ҳисса қўшишган. Шулардан бири Аҳмад Фарғонийдир.

Комусий даҳо аллома Абду Аббос ибн Касир Аҳмад ал-Фарғоний 787 йили Кувада туғилган. 861 йили Мирсрада вафот этган. Аҳмад Фарғоний Шарқда «ҳосиб» — ҳисобчи, «мунажжим ар-Раис» номи билан, Фарбада эса «Асфрангус» номи билан машҳур бўлди. Аҳмад Фарғоний номи Данте, Шиллер, Эркин Воҳидов асарларида ушланган. Данте «Илоҳий комедия»сида дунё тузилиши ҳақидаги маълумотларни унинг асарларидан олди.

Ана шу асарлар рўйхатида Фарғонийнинг «Астрономия негизлари (асослари)» деган асари ҳам бор эди. Бу асарнинг тулик номи — «Саломий ҳаракатлар ва юлдузлар фанининг мажмуаси ҳақида китоб», уни қисқача «Астрономия асослари», деб қўришади.

Аҳмад Фарғоний хаёти ҳақида камроқ маълумотга эгамиз. Унинг Фарғонадан қачон, қандай шароитда Бағдодга келиб қолганини билмаймиз. Бағдод илк Урта асрнинг илм-фан тараққи қилган маркази эди. Бу ерда «Байтул ҳикма» — «Билмақ уйи» — «Мамун академияси»да Марказий Осиё, Эрон ва бошқа юртлардан келган турли халқ, миллат олимлари тўпланишган эди. Аҳмад Фарғоний ҳам ана шу «Билмақ уйи»да ишлади. Ниҳоятда кучли, машҳур олимлар даврасида бўлди, юқори савиядаги илмий муҳит, бой кутубхона Фарғоний қобилятининг қирраларини шарҳлади, уларга жило берди. «Билмақ уйи» кутубхонасида 400 миңдан зиёд кўлемда китоб бор эди. Кутубхонага буюк ватандошимиз, улғу математик Мухаммад ибн Мусо ал-Хоразмий бошчилиқ қилган.

«Билмақ уйи» кутубхонасига раҳбарлик қилиш, аслида ҳозирги тили билан айтилса, «Мамун академияси»га бошчилик қилиш, унинг президенти бўлиш, деган сўз.

«Билмақ уйи» юнонча кўлемда ларни қуриб, олиб келиш учун Византияга экспедициялар уюштирган. Бу экспедицияларда Мусо ибн Шокирининг ўли — Аҳмад, Мухаммад,

Хасанлар ҳам қатнашишган. Улар асли хоразмлик бўлишган, Аҳмад Фарғоний раҳбарлигида ишлашган. «Билмақ уйи»да қизғин илмий мулоқотлар, тадқиқот ишлари олиб бориш билан бирга, турли жойлардан келтирилган кўлемда китоблар арабча таржима қилинарди. Аҳмад Фарғоний араб илмий терминологиясининг пайдо бўлиши ва ривожланишига катта ҳисса қўшди. Ал-Мамун топшириғига қўра Бағдод ва Дамашқ расадхоналари қурилишига раҳ-

ясаган. Бу асбоб туташ идишлар қоидагига асосланган, ҳанузгача сақланади.

Аҳмад Фарғоний ўзининг шох асари — «Астрономия асослари» китобида уша даврдаги астрономияга эид билимларни бир қоллига солди, ўзининг янги натижалари, кашфиётлари билан бойитди, астрономик асбоблар, Кўёш соатларининг баёнини берди. Уша давр ананасига мувофиқ мамлакатларни етти иқлимга бўлиб ўрганди, жойларнинг географик

риёзату астрономияга, хоҳ у географияга таалулиги бўлсин ниҳоятда пишиқ-пухта, тўғри, муқаммал бўлади, уларни текшириб ўтиришга ҳоҳлат қолмас эди.

Астроном олимларнинг бир неча авлоди Аҳмад Фарғоний асарларини ўқиб олим бўлишди.

Европанинг катта олимлари Аҳмад Фарғоний фаолияти ҳақида маърузалар ўқидилар. Хусусан, машҳур математик ва астроном Региомонтан 1464 йилда Падуяда Фарғонийнинг астрономик ишлари ҳақида маъруза қилган. Фарғонийнинг асарларига Беруний, Улугбеклар мурожаат қилишган, улардан ўз илмий фаолиятларида фойдаланишган. Аҳмад Фарғонийнинг «Астрономия асослари» асари 1145 ва 1175 йилларда лотин тилига, кейинчалик бошқа тилларга ҳам таржима қилинди, кўп марта чоп этилди, асрлар давомида Европа университетларида астрономияда асосий дарслик сифатида фойдаланилди. Асарнинг 1493 йили Италиянинг Феррара шаҳрида чоп этилган лотинча таржимаси босма уссулда чиқарилган биринчи китоблардан саналади. Фарғоний ал-Хоразмий «Зиҷи»га шарҳлар ёзган, бу шарҳлар, афсуски, бизгача тулик етиб келмаган, аммо унинг айрим парчалари Беруний асарида келтирилган.

Фарғоний қаламига мансуб яна бир асар — «Астролябия» (устурлоб) тузилиши ҳақидаги китобдир. Унда стереографик проекцияларга оид теоремаларнинг исботлари берилган, бу исботлар теоремаларнинг

бизгача етиб келган биринчи исботларидир. Астрономик асбобозликнинг вужудга келиши Фарғоний номи билан ҳам боғлиқ.

Олимининг асарлари Берлин, Париж, Қоҳира, Петербург, Принстон, Хиндистон, Оксфорд кутубхоналарида сақланмоқда...

Колумб Американи Аҳмад Фарғоний тузган хариталар асосида очган, бу хариталар эса унга қайлигининг сепа сифатида келган, деган ривоят бор... «Билмақ уйи»даги олимларнинг, Жулианд, Аҳмад Фарғонийнинг, Шарқ илм аҳлини Аристотель, Птоломей, Эвклид, Архимед асарлари билан таништиришдаги хизматлари бекиёсдир... Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислоҳ Каримовнинг «Мамун академиясини» қайта тиклаш ҳақидаги муборак Фармонлари Республикада илм-фаннинг тараққиётига улкан имконият яратди. Буюк аждодларимиз — Мамун академиясининг асосчилари, иждоқорлари руҳини шод этади. Мухаммад ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Беруний, ибн Сино, каби ўлаб комусий даҳо юртдошларимиз ниҳоятда мустақиллик шароити ила чукчурроқ назар ташлаш улар ҳурматиини жойига қўйиш, асарларини — минг йиллардан сўнг бўлса-да ўзбек тилида ўқиш имкониятига эга бўлишимиз. Бу даҳолар яна биз билан бирга, улар уйғок, тирки!

Мирфозил МИРЗААХМЕДОВ, физика-математика фанлари номзооди, АҚШ математиклар жамияти аъзоси.

Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллиғига ФАЛАКШУНОСЛИК ДАҲОСИ

барлик қилди. Птолемейнинг «Юлдузлар жадвали»даги маълумотларини текширишда иштирок этди. Аҳмад Фарғоний Бағдод расадхонасида астрономик кузатув ишларини олиб бориб, кўпгина кашфиётлар қилди. Астрономияга исботлаш усулини киритди. Хусусан, 841 йилги Кўёш тутилишини олдиндан исботлаб берди. Ернинг шар шаклида эканлигини катий илмий далиллар билан исботлади. Кейинроқ Мирсрада яшаганида Нил дарёси сувини ўлчайдиган асбоб ҳам

координатларини Шарқдан Фарбага йўналишда берди. Бу асар астрономия бўйича араб тилида ёзилган дастлабки рисоалардан ҳисобланади. Астрономияга оид билимлар қомуси бўлиши бу асар Европада Коперникча астрономиядан асосий қўлланма бўлиб хизмат қилди, кейинги давр олимларига катта таъсир ўтказди.

Аҳмад Фарғоний «Ҳосиб» — «Ҳисобчи» номини бежиз олмаган: у бажарган ҳисоб-китоб ишлари хоҳ у

«Наврўз» тантаналар уйида ўтказилган шахар никоҳ уйлари ва туман ФХД бўлимлари ходимларининг «Касбим — Фахрим» деб номланган 2-яънавий шахар кўрик-танлови умр-боқий аъналаримиз, муқаддас миллий маънавий қадриятларимиз тобора ривож топиб, янги аъналар ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин олаётганини намойиш этди.

шарт — «Мақоллар айтишуви» бўйича қизлар беллашар эканлар, тadbирга ташриф буюрган меҳмонлар ва ҳатто ҳакамлар ҳайъати аъзолари орасида ҳам тинимсиз қарсақлар, шўх кулгилар тез-тез янгрт асосида иштирокчилар ўз никоҳ уйларида келин-куёв никоҳини тантанали қайд этиш маросимини ўтказдилар ва бу жараён видео тасмаларига ёзиб олиниб ҳакамлар ҳайъатига тавсия этилди.



СУРАТЛАРДА: «Касбим ўз маҳоратларини на- фахрим» кўрик-танлови- мойиш этишмоқда. Сураст Шарипов олган суратлар.

КАСБЛАРИ — ФАХРЛАРИ

Янги удумлар

Давр бу соҳа ходимларининг ўз билим ва малакалари, иқтидор ва тажрибаларини кун сайин ошириб боришларини тақозо этмоқда. Касб бўйича танловлар уларни кўриқдан ўтказиб, маҳоратларини «чархлаб» боришга хизмат қилмоқда.

Тошкент шахар Адлия бошқармаси низоми асосида ташкил этилган «Касбим — фахрим» аънавий касб кўрик-танловида иштирок этиш ҳуқуқини жойлардаги жамоаларда ўтказилган кўрикларда ғолиб чиққан энг зукко, билимдон, саришта, маҳоратли ва абжир ходимлар кўлга киритгандилар. Уларнинг касб маҳоратлари, малака, одобу ҳаёлларини баҳолаш воситасини ўтайдиган танлов шартлари ҳам жуда қизиқарли ва пухта тузилганлиги мазкур тadbирнинг муҳим ютуқларидан бўлди.

Танловнинг биринчи шартини — қатнашчилар ўзларини таништирадиган «Ташриф» ва «Саломлаштиш одоби» бўйича олти энг иқтидорли иш-

тирокчининг ҳар бири ўзларининг ҳозиржавоблик, зийраклик хусусиятлари, шеърятга мойилликларини намойиш этдилар. Бинобарин, танловда ғолиб чиқиш осон эмаслиги ҳам маълум бўлди.

Танловнинг иккинчи шартини айниқса қизиқарли эди. Қизлар унга кўра Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги асослари ва унинг Конституцияси, давлатчилиги ҳамда қонунчилиги оид, ўз касб ва лавозимлари — никоҳ ва оилавий маросимлар, ҳалқимиз урф-одат ва удумлари билан боғлиқ саволларга тўла ва атрофчила жавоблар қайтардилар.

Ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасида асқотадиган, даврлар синовидан ўтган ибратли мақолларнинг қўлиги ҳам ҳалқимизнинг улкан маънавий бойликлари қаторига қиради. Учунчи

раб турди. Бу никоҳ уйи ҳодимларининг топқирлиги, қадриятларимизни яхши билишларининг амалдаги исботи эди. Узоқ давом этган ушбу шарт натижасига кўра «Шодлик» 2-никоҳ сароийи ноизири Нилуфар Насриддиновага ҳакамлар ҳайъати бир овоздан 10 баллдан беришди.

Бадийи кўрик шартини бўйича ҳам иштирокчилар ўзлари танлаган, тиккан миллий либосларда кўшиқ, рақслар, шеър ва монолог ўқиш орқали сахна кўришларидан фойдаланиб ўз ижодкорлик иқтидорларини, адабиёт ва санъат бобидаги маҳоратларини намойиш этдилар.

«Амалий машғулот» деб номланган охириги шарт эса қизларнинг касб малакаларига ҳақиқий баҳони берадиган энг асосий синов ва-зифасини ўтади. Ушбу ша-

раб турди. Бу никоҳ уйи ҳодимларининг топқирлиги, қадриятларимизни яхши билишларининг амалдаги исботи эди. Узоқ давом этган ушбу шарт натижасига кўра «Шодлик» 2-никоҳ сароийи ноизири Нилуфар Насриддиновага ҳакамлар ҳайъати бир овоздан 10 баллдан беришди.

Танловнинг барча ғолиб ва қатнашчиларига Тошкент шахар Адлия бошқармаси, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, «Қамолот», «Соғлом авлод учун» жамғармаларининг Тошкент шахар бўлимлари томонидан таъсис этилган қимматбахо совғалар, дипломлар, фахрий ёрлиқлар тақдим этилди.

Дилшод ИСРОИЛОВ.



Мустақил юртимиз спортчилари иккинчи бор иштирок этадиган Япониянинг Нагано шаҳрида XVIII қишки олимпиадада ўйинларнинг очилишига ҳам бир ойдан ортиқроқ вақт қолди. Шунинг кўнуч билан таъкидлашимизки, 1994 йили Лиллехаммерда ўтказилган қишки олимпиадада фристайлчимиз Лина Черязова илк олтин медални кўлга киритиб, юртимиз дувругини оламга таратган ва яхши аънагага асос солган эди. Бизнинг Ўзбекистон Республикаси миллий олимпиада кўмитасининг президенти Собиржон Рўзиев билан суҳбатимиз ҳам Наганодаги оламшумул спорт анжуманига республикамиз спортчиларининг тайёргарлиги тўғрисида бўлди.

— Собиржон Собитович, Наганодаги қишки олимпиада ўйинлари тўғрисида икки оғиз сўзлаб берсангиз.

— 1998 йилнинг 7 февраль кунин Япониянинг Нагано шаҳрида навбатдаги қишки олимпиада ўйинлари бошланади. Унда 13 та спорт тури бўйича 60 дан ортиқ мамлакат вакиллари ўзаро куч синашади. Мустақил республикамиз спортчилари ҳам ушбу нуфузли ва энг юксак спорт анжуманида фристайл, фигурали учуш ва тоғ чангили спорт турлари

нер, фигурали учушдан яққа мусобақаларда Татьяна Малинина ва Роман Скоряков, тоғ чангиси бўйича Ильмира Уринбоевалар олимпиадада қатнашиш учун лицензияларни кўлга киритишди. Яна бир тоғ чангичиси Комил Уринбоев ҳам шундай лицензияга эга бўлиш арафасида.

1997 йилнинг бошларида спортчиларимиз бўлғуси олимпиадада тайёргарликни бошлаб юборишди. Республика миллий олимпиада кўмитаси ва давлат жисмоний тарбия ва спорт кўмиталари кўмағида уларнинг барча

алоқада эканлигимиз сабабли йўл ҳаражатлари, турар жой масалалари ҳал қилинди.

Олимпиадада бир ҳафта олдин бориб шароитта мослашиш ва бевосита ўша ернинг ўзида машғулотларни ўтказиш режаларимиз бор.

— Спортчиларимизнинг олимпиададаги истиқболлари тўғрисида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Энг ишонган спортчиларимиз Лина Черязова ва Сергей Бренерлар оғир жараҳатлардан сўнг ҳали тикланмаган ҳолда мусобақаларда иштирок этишади. Шу сабабдан олдиндан бир нима дейиш қийин. Спортчиларимиз — Ватанимизнинг юзу кўзидир. Элим, юртим деб бор куч-маҳоратларини сарфлаб иштирок этсалар яхши натижалар бўлади, албатта. Ҳар ҳолда терма жамоамиз кучли йигирматалikka кира ва бизнинг муваффақиятимиз бўлади. Zero, иссиқ иқлимимизда қишки спорт турлари билан доимий шугулланиш учун имкониятлар бироз чегараланганлигини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик керак.

— 1998 йил йирик ва нуфузли спорт мусобақаларига бой йил бўлади...

— Дарҳақиқат, янги 1998 йил бизнинг спортчиларимиз учун жуда омадли келишига шак-шубҳа йўқ. Бунақа йирик мусобақаларга бой мавсум ҳали бўлмаган эди. Zero, Наганодаги олимпиаддан кейин, июль ойида Москвада Бутунжаҳон ўсмирлар ўйинлари — яъни Эшлар ўртасида олимпиадада ўтказилади. Августда Нью-Йоркда Яхши ниёт ўйинлари, декабрь ойида эса Таиланд пойтахти Бангкокда Осиё ўйинлари бўлиб ўтади. Буларнинг барчаси Сиднейдаги олимпиадага тайёргарлик доирасидаги мусобақалар туркумига қиради. Ушбу мусобақаларнинг барчасига қизгин тайёргарлик бошланиб кетган. Шунинг алоҳида таъкидлаб ўтишни истардимки, спортда эришган ютуқларимизни тарғиб қилиш, спортчиларимизни эл, юрт ва жаҳонга таништиришда спорт журналистларининг тўтган ўрни катта. Шу сабабдан Россия, АҚШ ва Таиланддаги мусобақаларга спорт журналистларимиз олиб боришга иложи борича ҳаракат қилайми.

Давлатимиз раҳбарининг спортга қатнаштириб натижасида бунёд этилаётган спорт қозоналарида алпкомат, мард ва фидойи йигит-қизларимиз ушбу гамҳўрликка жавобан рекордлар ўрнатиб, ғалабалар қозониб, мустақил мамлакатимиз дувругини оламга ёйишмоқда. Уйлашимизки, 1998-йилги мавсумда спортчиларимиз Ўзбекистон мактебини жаҳон узра яна бир поғона юқорига кўтаришади.

Суҳбатдош Дилшод ИСМОИЛОВ.

КўЧА ХАНДОН (Интермедия)

Кўча. Эргаш дўсти билан гаплашаётти. ЭРГАШ: Э, Эсонмисан? ЭРГАШ: Эргашвой ўзаримми? ЭРГАШ: Оламда боримсан, дўстим? Ёғоч қошиқдек кўринмай кетдинг. Уйдагилар, бола чакалар, кампир соғ-саломатмилар? ЭРГАШ: Раҳмат, раҳмат. Оббо Эргашвой-эй! ЭРГАШ: (аёлга) Кенной, бардамимиз, чарчамай юриб-сизми? Ия, Эсонвой, бу қандай гап, кеннойимларга сумкани кўтариб қўйиб-а? Яхшимас, яхшимас. аёл уйимизнинг зийнати, уни кўз нуридек асрашимиз керак. Буларсиз ҳаётимиз бесарангом бўлади.

ЭРГАШ: Нима қилай ўзи кўнмас. Мен сумкани кўтариб сиз ўлингизни етаклаб олинг деб қўймади. ЭРГАШ: Раймат дўстим, мавриди бўлиб қолар. Бугун кеннойимизнинг дўғонасиникига бормасак бўлмайди. Ваъдалашганмиз. Озгина йўқовимиз бор.

ЭРГАШ: Йўқ, йўқ, хафта бўламан. АЕЛ: Раҳмат, бир йўқлаб келиш ниятимиз бор. ЭРГАШ: Шундайми? Майли ололж, хўп бўлмас. Хайр. Соғ бўлинглар. Лекин албатта кутаман (кетди).

АЕЛ: Хўп ширинсухан дўстингиз бор экан-да. Шулардан ўрناق олинг! Улғидай тўнг, тўғри сўзсиз. Ҳақто, ойим, укаларим билан сурашишни ҳам билмайсиз лоқал. Оиласи хўп бахтли оила бўлса керак.

Эргашнинг уйи ЭРГАШ: Ма-ту, Ма-ту, қаерга деб бўлдинг? МАТЛҮБА: Лаббай, келдимиз дадаси? ЭРГАШ: Ха, келмай нима қилар эдим, ё бошқа борар жойим бормиди! Сан ўзинг хотин бўлиб эринга пешвоэ чиқини қачон ўргансан? Шунинг айтдиларда олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ деб.

МАТЛҮБА: Вой, нима бўлган ўзи сизга. Нуқул камситасиз, Мату деб маҳара қиласиз. ЭРГАШ: Хо, гапларим ёқмай қолдимми? Энди эркалаб маликам, Лубахон деб қаҳрайимми? Бўлди, бор, молга қара, қиринчи юв.

Эргашнинг ўғли қиради УҒЛИ: Ада, боғча оямлар расмга юз сўм олиб келинглар дедилар. ЭРГАШ: Юз сўм... Балки бир қийим атрез ҳам керакдир! Бор-эй тирмизак, шу ёшигдан пулни билган сени қара-ю. Бор жўна! (бола йўғлайди) (Эргаш телефонни тиради). Алло, Аливой тўра, салом! Дийдорингизни соғиндик-ку! Бугун толосида учрашиб кўларидан бир ош ойилж. Э, яшаворинг, улфати йигитсиз-да. Дўстларга хабар қилинг. Юз сўм-юз сўм қиламиз. қуришгунча.

МАТЛҮБА: Дадаси, бугун акаларимнинг турган куларига борамизми? Янги йил кутмайми? ЭРГАШ: Эркаланмай гапир. Қал-қатта одамга турилган кунини ўқашинга бало борми? Унинг устига чирим ҳам жуда жонга тегди. Мен зарур иш билан кетаяман. Сен молга қара, сомони майдала. Кўннинг майдасини ажрат. Инсон меҳнатдан ўлган эмас (кетди).

МАТЛҮБА: Кўча бўлса бўлди. Қўлларини совуқ сувга урмайдилар. Тагин у кишини ҳамма мақтайди. Шунинг айтсалар керак «Кўча хандон — уй зиндон» деб.

Шукр ДАДАШ.



бўйича беллашувларда қатнашадилар. — Олимпиадада қайси спортчиларимиз қатнашади ва улар тайёргарликни қачондан бошлашди? — Бу йилги қишки олимпиаданинг эътиборга молик томони шундаки, унда дарҳақиқат ўз спорт турлари бўйича энг кучлилар қатнашади. Zero, илгарилари ариза берган давлатлар спортчилари олимпиадаларда қатнашишига рухсат берилаверарди. Бу эса спортчиларнинг хаддан ташқари кўпайиб кетишига, демакки улар орасида маҳорат даражаси паствлари ҳам кўп учрашишга имкон яратди. Хозирда жаҳон, Европа, Осиё чемпионатлари ва шу каби йирик мусобақаларга «А» тоифали «Гран-при» турнирлари мақоми берилиб, уларда йилгилан очколар олимпиадада қатнашиш ҳуқуқини беради. Шундай «Гран-при» турнирларида ўзини кўрсатиб, юқори натижаларга эришган беш спортчимиз — фристайлчилардан Лина Черязова ва Сергей Бре-

ҒОЛИБЛАРНИ ТАБРИКЛАЙМИЗ

Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий фонди Тошкент шахар бўлими томонидан «1997 — Инсон манфаатлари йили» шiori остида эълон қилинган ижодий танлов яқунлари чиқарилди. Шахснинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини амалга ошириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, инсоннинг маънавий, маданий ва интеллектуал манфаатларини таъминлашга қаратилган энг яхши ижодий ишлар бўйича ҳайъат қуйидагиларни ғолиблар деб топди:

БИРИНЧИ МУКОФОТ — «Тошкент оқшоми» газетаси иқтисодий бўлимининг мудирини Маҳмуджон КОМИЛЖОНОВга инсон ижтимоий-иқтисодий манфаатларини амалга ошириш мавзусидаги туркум мақолалари учун.

ИККИТА ИККИНЧИ МУКОФОТ: «Вечерний Ташкент» газетаси ижтимоий муаммолар ва ахборот бўлимининг мудираси Надежда ПАНЯКШИНАга — болалик ва оналик муҳофаза этиш, ёш авлоднинг баркамол тарбиялашга бағишланган туркум мақолалари учун;

Республика радиоси «Тошкент» студиясининг муҳаррири Хошимхўжа САЙДАЛИЕВга — инсон турмуши ва фаровонлигини яхшилашга қаратилган кучли ижтимоий сиёсатнинг амалга оширилишига бағишланган туркум эшиттиришлари учун.

УЧТА УЧИНЧИ МУКОФОТ: «Маҳалла» газетасининг бош муҳаррири Абдувахоб АБДУБАННОПОВга — маҳаллалар фаолияти ва муаммоларига бағишланган туркум мақолалари учун;

Ўзбекистон телевидениесининг катта муҳаррири Светлана ДАМИНОВАга — тadbиркорликни ривожлантиришга бағишланган туркум эшиттиришлари учун;

«Тракторсозлар» кўп нусхали газетасининг бош муҳаррири Игорь АЛИМОВга — тракторсозларнинг ижтимоий ҳимоясига бағишланган туркум мақолалари учун;

«Қадрият» газетасининг ходими Акбар ЮНУСОВга — маънавий ва маърифатни юксалтиришга бағишланган туркум мақолалари учун рағбатлантирувчи мукофот берилди.

Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий фонди Тошкент шахар бўлими бошқаруви ижодий танлов ғолибларини қизгин ва самийий табриклайди, уларга янги ижодий муваффақиятлар тилайди ҳамда Тошкент шаҳри барча журналистларини бўлим томонидан яқинда эълон қилинадиган янги ижодий танловда иштирок этишга даъват этади.

Тошкент оқшоми Toshkent oqshomi

Манзил: Тошкент шаҳри, 700000, Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефон: 133-29-70; 133-28-95; 133-08-74, 136-57-65; факс (3712) 133-29-08.

Душанба, гораишба ва жума кунлари шайда. Нашр қурсатини 209

Нашринг етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.